



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 12 май, № 99 (7601)

Сешанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ишончим комил, қаҳрамон аждодларимизнинг жасоратига содиқ бўлган олижаноб халқимиз тинч ва фаровон ҳаётни қадрлаб, уни янада мустаҳкамлаш йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ҲАР БИР КЕЧИККАН ЙИЛ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИ 10 ЙИЛ ОРҚАГА ТОРТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 май куни рақамли иқтисодиёт ва «Электрон ҳукумат»ни кенг жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йил «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилинди. Президентимизнинг Олий Мажлисига шу йил январда йўлланган Мурожаатномасида рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган эди. Рақамли технологияларнинг нақадар муҳимлигини бугунги пандемия шароити ҳам яна бир бор исботлади. Таълим, давлат хизматлари, давлат бошқаруви тизими, савдо ва хизмат кўрсатишнинг ҳаммаси рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ экани яққол кўриниб қолди. Йиллар давомида масофадан кўрсатилмаган хизматлар саноқли кунларда онлайн шаклга ўтказилди.

Экспертларнинг фикрича, келгуси 3 йилда иқтисодиётни рақамлаштириш орқали дунёдаги 22 фоиз иш ўринлари интернет технологиялари ёрдамида яратилади.

Шу боис жорий йил 28 апрелда «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумати кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Президент қарори қабул қилинди. Хужжатга мувофиқ, Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида рақамли иқтисодиёт билан шуғулланадиган яхлит тизим яратилди. Жумладан, «Электрон ҳукумат», иқтисодиёт тarmoқлари ва қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, IT парклар

ташкил этиш ва уларни бошқариш каби вазифалар тўлиқ вазирлик ваколатига ўтди.

Шу билан бирга, қарорда янги лойиҳаларнинг молиявий манбалари ҳам аниқ кўрсатилган. «Электрон ҳукумат» доирасида 1,3 триллион сўмлик 104 та лойиҳа, иқтисодиётнинг реал секторинда 5,3 триллион сўмлик 87 та лойиҳа, телекоммуникациялар борасида 15,1 триллион сўмлик 35 та, аграр соҳада 24 та, IT парклар бўйича 18 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Йиғилишда Шавкат Мирзиёев бу ишларни келгуси 2-3 йилда тўлиқ амалга оширмасак, ҳар бир кечиккан йилимиз мамлакатимизни 10 йил орқага тортади, деб таъкидлади. Хизматларни рақамлаштириш борасидаги хозирги аҳоли тахлил қилинди. Қайд этилганидек, давлат идораларида мавжуд 700 дан ортиқ аxbорот тизимларининг атиги 30 фоизи «Электрон ҳукумат» тизимига уланган. Давлат хизмати кўрсатуви 80 та идоранинг атиги 27 таси Давлат хизматлари агентлигига интеграция қилинган.

Президентимиз вазирлик ва идораларда аxbорот технологияларини қўллаш даражасига қараб ундаги раҳбарларнинг ойлик муқофот пулини ошириш ёки камайтириш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берди. Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

вазирлигига давлат идоралари маълумотлар базасини таснифлаб, уларни идоралараро интеграцион платформага улаш, электрон ҳамкорликнинг ягона технологик талабларини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Пандемия таъсирини инобатга олиб, энг зарур бўлган давлат хизматларини тезкор равишда электрон шаклга ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳрида электрон тиббиёт картаси, электрон шифохона ҳамда шошлинч тиббий ёрдам тизимларини жорий этиш, ижтимоий нафақалар ҳисобини юритишга мўлжалланган «Ижтимоий ҳимоя ягона реестрини» жорий йил якунига қадар ишга тушириш бўйича топшириқ берилди.

Давлат солиқ қўмитасига савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини онлайн назорат касса машиналарига ўтказиш, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини маркировка қилиш ҳамда электрон ҳисоб-фактура тизимини жорий этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Келгуси беш йилда саноат корхоналарида аxbорот технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига таннархи ўртача 13 — 15 фоизга пасайтириш мумкин.

Транспорт вазирлигига темир йўлларда юк ташиш ҳамда Тошкент шаҳрида жамоат транспорт хизматлари тўлови учун автоматлашган тизимларни ишга тушириш, барча транспортларга ягона электрон билет жорий этишни тез-

лаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда аxbорот технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жаҳон банки ҳисоботига қўра, кенг полосоли интернет тармоғини 10 фоиз кенгайтириш эвазига ялпи ички маҳсулотни камида 1 фоиз ўстириш мумкин.

Жорий йилда оптик толали алоқа қамровини мактабгача таълим тизимида 41 фоиздан 100 фоизга, халқ таълимида 40 фоиздан 70 фоизга, соғлиқни сақлаш соҳасида 38 фоиздан 100 фоизга етказиш вазифаси белгиланган. Бу қўлаб қишлоқларни интернет тармоғига улаш имконини беради. Шу боис Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ижтимоий объектларни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш, тезкор мобил интернет қамровини йил якунига қадар 90 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда мавжуд серверлар тўлиб бораётгани, соҳадаги 300 дан ортиқ лойиҳаларни амалга ошириш учун 10 баробар кўп қувватли серверлар зарурлиги қайд этилди. Аxbоротларни қайта ишлайдиган марказларни қўлайитириш, хорижий кредитлар жалб этиб, лойиҳа қиймати 30 миллион долларлик «дата центр» қуриш бўйича кўрсатмалар берилди.

Аxbорот технологиялари қишлоқ хўжалиги, ерни ҳисобга олиш ва

мониторинг қилишда ҳам жуда қўл келади. Масалан, ерни космик зондлаш орқали экин майдонлари, вегетация жараёни, ернинг мелiorатив ҳолати ва минераллашув микродорини ўрганиш мумкин. Бу агротехник тадбирларни аниқ белгилаб, ҳосилдорлиқни 25 — 30 фоизгача ошириш имконини беради.

Мутасаддиларга ер майдони ва сув ҳисобини юритишнинг электрон тизимларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалигида экинларни жойлаштиришдан тўғри, сотувгача бўлган жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Юртимизда аxbорот технологиялари соҳасида 60 минг киши меҳнат қилмоқда. Йиғилишда бу етарли эмаслиги таъкидланиб, соҳа мутахассисларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Давлат таъкидотлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларга, энг аввало, маҳаллий технопарклар резидентларини жалб қилиш бўйича вазифалар белгиланди.

Келаси ўқув йилида «1 миллион дастури» лойиҳасига 47 минг нафар ўқувчини қамраб олиш, соҳага замин яратиш учун мактабларда 7-синфдан бошлаб дастурлаш асосларини ўқитишни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда мутасаддилар соҳадаги чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисобот берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини кўпайтириш орқали ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида экин майдонлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Шунингдек, туманларни мева-сабзавотчиликка ихтисослаштириш, маҳсулот етиштирувчиларни мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамда кооперацияларга бирлаштириш каби амалий чоралар кўрилмоқда.

Жаҳон бозорлари талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардор қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳудудларни ихтисослаштириш тўғри йўл эканлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли, дастлабки босқичда республика бўйича 55 та туман мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилди. Бироқ ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, қўрилаган чора-тадбирларга қарамадан ҳудудларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш тизими йўлга қўйилмаган.

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

Ёшлар парламенти ташкил этилади

Парламент қўйи палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси томонидан Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламенти ташкил этиш юзасидан ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Унга комиссия аъзолари, депутатлар, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ходимлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари таклиф этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов Ёшлар парламенти-нинг асосий йўналишлари ҳамда вазифалари нималардан иборатлиги хусусида тўхталиб ўтди. Парламентаризм аънаваларини сақлаган ҳолда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қўнуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қўнун ҳужжатларини такомиллаштириш, қўнун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммоларини навқирон авлод иштирокида муҳокама қилиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, ёшларнинг парламент фаолияти ва қўнун ижодкорлигининг барча босқичидан хабардорлигини ошириш, ушбу жараёнда кечадиган янги ва устувор йўналишларни белгилашда йигит-қизларнинг фаоллигини кучайтириш ҳамда улар-

да ватанпарварлик руҳини юксалтириш Ёшлар парламенти ташкил этишдан кўзланган мақсад экани айтиб ўтилди. Тадбир давомида Ёшлар парламенти ташкил этиш бўйича тақдимот ўтказилди. Унга қўра, мазкур парламентнинг аъзолари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан ҳар бир шаҳар ва тумандан бир нафардан икки йил муддатга сайланади, ўз логотипи, аъзоларининг кўкрак нишонлари ҳамда белгиланган шаклдаги гувоҳномаларига эга бўлади.

Шу билан бирга, Ёшлар парламенти ташкил этишда хорижий давлатлар тажрибаларидан унумли фойдаланган ҳолда, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга эътибор қаратилади. Депутатлар ташкил этиладиган Ёшлар парламенти фаолияти юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдириши. Уларни инобатга олган ҳолда, ташкилий жараёни ўз ичига олган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2020 йил 11 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оммавий аxbорот воситалари вакиллари иштирок этди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ушбу ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Сенат аъзолари томонидан 20 та масала, шу жумладан, 10 та қўнун қўриб чиқилган ялпи мажлис иши Олий Мажлис Сенатининг веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали ҳамда «Узрепорт» телеканалда тўғридан-тўғри намойиш этилди.

Дастлаб сенаторлар «Саломатлик» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги ҳамда «Соғлом турмуш» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қўнунларини муҳокама этишди.

Дунё микёсида коронавирус пандемияси давом этаётган бир вақтда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида тезкор ва муҳим чоралар амалга оширилиб, фидойий шифокорлар, ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари, саховатпеша инсонлар, карантин шароитида халқимиз матонати билан пандемияни жилловлашга муваффақ бўлимоқда. Шу муносабат билан «Саломатлик» орденини таъсис этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ушбу ордени икки даражадан иборат бўлиб, I даражали «Саломатлик» ордени билан тиббиёт соҳасини ривожлантириш, замонавий талаблар асосида такомиллаштириш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ишларига муносиб ҳисса қўшганлар тақдирланади. II даражали ордени билан эса аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг барвақт олдини олиш ва бартараф қилишда фаол иштирок этган шахслар муқофотланади.

Худди шунингдек, аҳоли

орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишни кенг тарғиб этиш, жисмоний тарбия ва бадан-тарбияни кундулик турмуш тарзига айлантириб, жамоатчиликка шахсий намуна бўлаётган ҳамюртларимиз хизматларини эътироф этиш мақсадида «Соғлом турмуш» медални таъсис қилинмоқда. «Саломатлик» ордени ҳамда «Соғлом турмуш» медал билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

Мазкур қўнунлар сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан сўнг Сенат аъзолари «Фахрий мураббий» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қўнунини қўриб чиқди. Ушбу қўнунга илова сифатида «Фахрий мураббий» ордени тўғрисида низом ҳамда орденининг тавсифи тасдиқланган.

Низомга қўра «Фахрий мураббий» ордени билан ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва қўбиятларини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиз тақдирланади.

Қолаверса, мазкур ордени билан ўзининг чўқур билим ва бой ҳаётий тажрибаси орқали ёшлар маънавиятини юксалтириш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш борасида шахсий намуна кўрсатиб келаётган, давлат ва жамият олдидаги юксак хизматлари билан алоҳида эътибор қозongan Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам муқофотланиши мумкин. Сенат аъзолари ушбу қўнунни маъқуллади.

(Давоми 3, 4-бетларда).

ДУНЁ НИГОҶИ «Халқ сўзи» учун махсус

Хорижлик экспертлар:

Ғалаба боғи Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган қаҳрамонлиги ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлиш имконини беради



Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан Тошкентда қад ростлаган янги обидалар ва бошқа объектлар хорижий давлатлар ижтимоий-сиёсий, илмий ва ишбилармон доиралари томонидан юқори баҳоланмоқда.

«Дунё» АА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашиб, муҳим ижтимоий воқеа ҳақидаги

фикрлари билан қизиқди. Улар ўзбек халқининг мard ва жасур фарзандлари номини абадийлаштириш мақсадида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари хозирги ва келажақ авлод хотирасида ибрат сифатида муҳрланиб қолишига ишонч билдирапти.

➔ 2-саҳифага қаранг.

АКС САДО

Ватан ҳимояси юксак шон-шараф, жасорат мангу, матонат унутилмасдир

Халқимиз бу йил 9 май — буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунини ўзгача шукҳ билан нишонлади. Пойтахтимизда бунёд этилган Ғалаба боғи халқимиз учун ажойиб тўхта бўлган бўлса, ушбу кўркем масканда ташкил қилинган тантанали маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сўзлаган нутқи юртдошларимиз руҳини янада кўтарди.

Буни қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

➔ 2-саҳифага қаранг.



Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши сафарбар этилгани аниқланди. (Шу вақтга қадар 1 миллион 500 мингга яқин, деб ҳисобланар эди).

Уруш ўчоғига айланган ўлкалардан юртимизга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд болалар эвакуация қилинган ва халқимиз уларга ўз уйдан жой бериб, сўнгги бурда нонини ҳам баҳам кўрган.

Илгари 396 минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб ҳисобланган бўлса, аслида бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган.

Шунингдек, 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат муқофотлари билан тақдирлангани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди.

Уруш йиллари Ўзбекистондаги 300 га яқин корхоналарда ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Шу даврда фронт ҳудудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилган.

Аниқланишича, уруш даврида осирга тушган 150 мингдан зиёд ўзбекистонликларнинг 50 минг нафардан ортиги концлагерлардаги азоб-уқубатлар оқибатида вафот этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ХУДУДЛАРИНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҚСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, туманлар ҳудудларини тупроқ-иқлим шароитларига мос боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полизилик, картошкачилик ва бошқа озик-овқат мақсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш орқали ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган рақобатбардош мақсулотлар етиштиришни кўпайтириш ҳамда илм-фан янгиланишнинг кенг жорий этиши ва мақсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаширинг:

республика ҳудудларини **бошқича-бошқич** қишлоқ хўжалиги мақсулотларининг муайян турларини кўпайтиришга ихтисослаштириш;

республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги мақсулотларининг муайян турларига ихтисослаштириш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида **эксперимент тарқасида 2020 — 2022 йиллар давомида Жиззах вилоятининг** жами 116,3 минг гектар қўшимча ер майдонларини қишлоқ хўжалиги мақсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш тўғрисидаги тақлифларини маъқуллансин.

2. Куйидагилар: Жиззах вилоятининг айрим ҳудудларини 2020 — 2022 йилларда боғдорчилик ва узумчилик йўналишларига ихтисослаштириш кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

Жиззах вилояти айрим ҳудудларини 2020 — 2022 йилларда сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва доривор ўсимликлар ҳамда иссиқхона хўжалиқларига ихтисослаштириш кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Жиззах вилояти айрим ҳудудларини қишлоқ хўжалиги мақсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги мақсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жиззах вилояти ҳокимлиги ва Ишчи гуруҳ (Ў. Барноев): а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳудудларни ихтисослаштириш кўрсаткичлари ва "Йўл харитаси" да белгиланган топшириқларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминласин ҳамда натижага бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда маълумот киритиб борсин;

б) туман ҳокимликлари ҳамда халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари билан биргаликда икки ҳафта мuddатда ҳудудларнинг ер майдонлари ихтисослашувидан келиб чиқиб, ушбу ер майдонларини устувор равишда рақобатбардош қишлоқ хўжалиги мақсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш жараёнини ҳамда инновацион ва ресурстежамкор технологияларни қўллашни ўз ичига олган агрокластерларни ташкил этишчи салоҳиятли ташаббускорлар, фермер хўжалиқлари ва бошқа субъектларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун танлов асосида ажратиш чораларини кўрсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда: ихтисослаштирилаётган ҳудудларда яхлитликка жиддий эътибор қаратган ҳолда тегишли қишлоқ хўжалиги экинларининг турларига қараб плантация шаклида экспортбоп экин турларини жойлаштириш ва етиштириладиган мақсулот ҳажмларини аниқлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланшини ва бажарилишини;

с) сув таъминоти ва инфратузилмаси мавжуд бўлган Зомин туманидаги денгиз сатҳидан 1-1,5 минг метр баландликда бўлган Қорамозор ҳудудидан 20 гектар ер майдонини Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти бўлишига ўтказилишини таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой мuddатда Зафаробод тумани Ф. Ҳўжаев массивида жойлашган 30-сон манзил колониясига қарашли 513 гектар самарасиз фойдаланиб келинаётган суғориладиган ер майдонини 2 400 бошли гўшт йўналишидаги чорва комплексини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш шарти билан лойиҳа ташаббускорларига танлов асосида ажратиб бериш чораларини кўрсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва "Ўзбекизоқовқатхолдинг" холдинг компанияси билан биргаликда бир ой мuddатда Жиззах вилоятининг Зомин, Мирзачўл ҳамда Пахтакор туманларида, уларнинг географик жойлашувидан келиб чиққан ҳолда, транспорт ва инфратузилма объектлари ҳолати ва туташ туманларнинг мақсулот етиштириш ҳажмларини инноватга олиб, йирик агрологистик марказларни ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш дастурини тасдиқласин ҳамда бажарилишини таъминласин;

е) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги, Агроекономика ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги, тижорат банклари ҳамда лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда бир ой мuddатда 2020 йил давомида ташкил этиладиган инвестиция лойиҳалари бўйича, шунингдек, ҳар йили 1 октябрдан қадар келгуси йил учун ташкил этиладиган лойиҳаларнинг манзилли дастурини тасдиқласин ва ҳар чоракда бажарилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига батафсил маълумот киритиб борсин;

ж) Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда 2020 йил III чорағида Жиззах вилоятининг Баҳмал, Галлаорол, Зомин, Форши, Янгиобод ва Ш. Рашидов туманларидаги янги ўзлаштириладиган лалми ер майдонларида боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун артезиан қудуқ қазийш ва ер ости сувларидан фойдаланиш мақсадида бургилаш ишларини ташкил этсин;

з) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агроекономика ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ҳамда тижорат банклари билан биргаликда манзилли дастурни молиялаштиришда тижорат банкларининг кредит маблағлари, халқаро молия

институтларининг кредит линиялари ва хорижий инвесторлар маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин.

Бунда тижорат банклари томонидан лойиҳаларни молиялаштириш, шу жумладан, айланма маблағларни шакллантиришга кредитлар ажратишда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилсиз ҳамда барпо этилаётган қувватларни ташкил этиш даврига кредитнинг асосий қарзидан имтиёзли давр берилсади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ў. Барноев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой мuddатда мазкур қарор талабларини инноватга олган ҳолда: **Республиканинг айрим ҳудудларини 2020 — 2022 йилларда боғдорчилик ва узумчилик йўналишларига ихтисослаштириш кўрсаткичлари;** **Республиканинг айрим ҳудудларини 2020 — 2022 йилларда сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва доривор ўсимликлар ҳамда иссиқхона хўжалиқларига ихтисослаштириш кўрсаткичлари;**

Республиканинг айрим ҳудудларини қишлоқ хўжалиги мақсулотлари етиштиришга ихтисослаштиришда 2020 — 2022 йиллар давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича "Йўл харитаси" лойиҳаларининг ташкил этилиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

5. 2021 йил 1 январдан бошлаб 2023 йил 1 январга қадар 5-иловага мувофиқ рўйхат бўйича четдан олиб кираётган уруғлар, кўчатлар ва пайвандагилар, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, замонавий энергия тежовчи иссиқхоналар ва уларнинг бутловчи қисмлари, томчилик ва ёмғирлиаб суғориш тизимлари ҳамда уларнинг бутловчи қисмлари боғхона божидан озод этилсин.

6. Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш ҳамғармаси ҳамда Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамғармаси маблағлари ҳисобидан:

боғдорчилик хўжалиқларида ташкил қилинадиган ҳар 35 гектар интенсив боғ ва тоқзорларга сув чиқариш учун бургиланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортишга насос станциясини қуриш ишлари учун сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш бўйича ваколатли органлар томонидан берилмайдиган тегишли рухсатномага асосан 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия маблағларини ажратиш тартиби жорий этилганлиги инноватга олинсин;

сувдан фойдаланиш мақсадида туташ ҳудудларда жойлашган ҳар бирининг умумий майдони 35 гектардан ошмайдиган бир неча фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўзаро келишуви асосида сув чиқариш учун бургиланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортишга насос станциясини қуриш учун сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш бўйича ваколатли органлар томонидан берилмайдиган тегишли рухсатномага асосан ҳар 35 гектар майдонга 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия ажратилиши белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой мuddатда:

Хорижлик экспертлар: **Ғалаба боғи Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган қаҳрамонлиги ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлиш имконини беради**

Месут Эмре КАРАКОСЕ, "Sahipkiran" стратегик тадқиқотлар маркази директори (Туркия):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек фарзандлари қаҳрамонлиги, уларнинг Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабага қўшган улкан ҳиссаси тўғрисидаги самимий сўзларидан жуда таъсирландим. Бундан олдин Ўзбекистон Президенти таниқли темирчи Шоахмад Шомаҳмудов оиласи хотирасига ўрнатилган хайкални Тошкентнинг марказига ўрнатиш бўйича қарор қабул қилганди. Бу йил замонавий технологиялар ва янги ёндашувлар асосида муҳташам мажмуа — Ғалаба боғи барпо этилди.

Шавкат Мирзиёев ўзининг самимий ва қатъиятли ҳаракатлари, тарихий адолатли тиклаш йўлидаги амалий қадамлари билан нафақат ўз халқи, балки халқаро ҳамжамиятнинг тинчлиги ва фаровонлиги ҳақида қайғурадиган ҳақиқий давлат арбоби эканлигини намойён қилмоқда. Аслида, Ўзбекистон раҳбарининг мурожаати нафақат ўз халқига, балки бутун жаҳон ҳамжамиятига қаратилган.

Дарҳақиқат, уруш инсоният учун дахшатли фалокатдир. Унинг олдини олиш, тинчлик ва оқилоланишни сақлаш ҳар бир инсоннинг бурчимиздир. Бу каби ёдгорликлар эса бизни нотўғри қадам ташлашдан огоҳлантириб, тинчлик ва



Ҳосен ПЛАЙДЖЕВ олган суратлар.

Валдемар КОБРИНЕР, Франция яҳудий жамоаси вакили:

— Ўзбекистон Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабада аҳолида ўрин тутди. Ғалаба боғининг марказида "Матонат мажмуаси" ёдгорлик мажмуаси ўрнатилди. У ҳаётли воқеа қаҳрамонлари тинчликнинг гавдалантириши билан ҳам таъсирли.

Шу маънода, Ўзбекистон раҳбарининг "Бу ерга қадам қўйган ҳар бир йигит-қиз миллатимизнинг қониди, суягида бўлган ноёб маънавий фазилатларни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш учун мана шундай улғу инсонлардан тарбия ва ибрат олади", деган сўзларини тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Мен ҳам уруш йилларида бўлгани каби Ўзбекистонга эва-

куация қилинган кўплаб миллат вакиллари сифатида ўша кунлар яхши эслайман. Сибирдан Бухорога эвакуация қилинган кўплаб яҳудийлар Ўзбекистонни ўзларига Ватан тутди. Бугунги кунда Францияда бўлсангиз, Ўзбекистон мен учун доим оим Ватаним бўлиб қолаверади.

Ўзбек оилалари бир бурда қўйган ҳар бир йигит-қиз миллатимизнинг қониди, суягида бўлган ноёб маънавий фазилатларни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш учун мана шундай улғу инсонлардан тарбия ва ибрат олади", деган сўзларини тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Ватан ҳимояси юксак шон-шараф, жасорат мангу, матонат ынгутилмасдир

Бебаҳо ҳақиқат юзага чиқмоқда

Анора ТОҒАЕВА, ЎзРФА Тарих институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди:

— Президентимиз байрам тадбирида эл-юртимизнинг буюк Ғалабага қўшган ҳиссасига доир янги маълумотларни кенг жамоатчиликка маълум қилгани халқимизни гоят мамнун этди. Чунки урушда қатнашган ҳар бир ўзбекистонликнинг номини эътироф этиш, уларнинг тақдирига катта ҳурмат билан қараиш, фронт ортдаги машаққатларни боғ бутунлигига тарихга муҳрлаш ота-боболаримизнинг дунёни фашизм балосидан озод этишдаги ўрнини кўрсатади.

Юртбошимиз ташаббуси билан бугунги кунда илмий ёпиқ бўлган архив ҳужжатлари, илмий жамоатчилик учун маълум бўлмаган материалларни ўрганишга имконият яратилди. Бу борада собиқ Иттифок республикалари ва чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар ва фондлар, тарихчи олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик кўча-йўриқлари.

Президентимиз таъкидлаганидек, бу борада илмий изланишлар натижасида халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида, қаҳрамон аждодларимиз ҳақида жуда муҳим янги маълумотлар ойдинлашди. Хусусан, фронтда душманга қарши мардонларов кўрашган юртдошларимиз сонининг шу пайтга қадар кўрсатиб келинганидан қарийб ярим миллион кўп эканлиги маълум бўлди. Шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида жанговар ордан ва медаллар билан мукофотланган ўзбекистонликлар 120 минг эмас, 200 мингдан зиёд экани, уларнинг 301 нафари Совет Иттифиқи Қаҳрамони, 70 нафари унча даражадаги "Ас-ва" орденига сазовор бўлгани ҳужжатлар асосида ўз тасдиқини товланганлиги барчамизда фахр-ифтихор туйғуларини янада ошириши, шубҳасиз.

Президентимиз "Мен мана шундай бебаҳо ҳақиқатни юзага чиқариб, адолатни қарор топтирашга катта хисса қўшган тарихчи олимларимизга, илмий ва ижодкор зиёлиларимизга катта раҳматлар айтаман. Айни вақтда уларни бу борадаги изланишларини давом эттиришга, мана шу Ғалаба боғидаги "Шон-шараф" музейини доимий равишда янги маълумотлар билан бойитиб боришга давлат эътибори" деди. Албатта, ана шу эзгу тақлиф барчамиз учун катта куч ва мадад бўлади.

Бундай масканлар жуда керак

Адашали УМРЗОҚОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (Анджон вилояти):

— Бу йилги Хотира ва Қадрлар кунини тадбирларини, хусусан, Тошкент шаҳрида бунёд этилган Ғалаба боғининг очилиш маросимини, Президентимизнинг нутқини "ойнаи жаҳон" орқали ўғил-қизларим, невараларим билан бирга томоша қилдик.

Тўлқин САЙДАЛИЕВ, Миллий гвардия Ҳарбий-техника институти доценти, истеъфодаги подполковник:

Кўнгилга яқин гаплар... Абдусалом РАҲМОНОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (Наманган вилояти):

— Президентимиз нутқини телевизиордан жон кўлоғимиз билан тингладик. Кўнгилмизга шундай яқин гаплар айтилди, жуда таъсирландим, кўзимга ёш келди. Тошкентда бунёд этилган Ғалаба боғи манзарасини томоша қилиб, жонимизни гаровга қўйиб, душман билан юзма-юз бўлган пайтлар худди кино тасмаси мисол бирма-бир кўз олдимдан ўтди. Қирувчи самолётлар таъқибига чоп берганимиз, ҳалок бўлган қанча-қанча сафдошларимиз, оқолларда ўтган оч-наҳор кунлар, мажакланган немис танкларини, фашистларни ер тишлатганимиз... Эҳ-хе, Иккинчи жаҳон уруши бутун дунё халқлари, хусусан, ўзбекистонликлар учун ҳам қимматга

тўшган. Ғалаба миллионлаб фидойий инсонлар жони, қирғинбарот жанглардаги матонатни эвазига қўлга киритилди. Бу хотиралар, уруш келтирган кулфатлар бarchани, айниқса, ёш авлоднинг бугунги тинч-ошда ҳаётни асраб-авайлашга, доимо огоҳ ва сергак яшашга ундайди.

Юртбошимизнинг, халқимизнинг бизга кўрсатган эътиборидан жуда хурсандимиз. Уйимизга вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров жамоатчилик ташкилотлари вакиллари билан кириб келиб, давлатимиз раҳбарининг совғаси — 10 миллион сўм пул ва бир қатор қимматбаҳо тўғраларни топширди. Ҳаммаси учун раҳмат. Шундай меҳр-оқибатимизга, яхши кунларимизга кўз тегмасин.

«Халқ сўзи»

«Дунё» АА.

